

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 610-ҳадис

610/1183 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ الْمُرَبِّيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلُّوَا قَبْلَ صَلَاةِ الْمَغْرِبِ». قَالَ فِي التَّالِيَةِ: «لِمَنْ شَاءَ»، كَرَاهِيَّةٌ أَنْ يَتَخَذَّلَ النَّاسُ سُنَّةً.

610.1183. Абдуллоҳ Музаний бундай сўзлаб берди:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шом намозидан олдин намоз ўқинглар»**, дедилар. Учинчисида одамлар (доимий) суннат қилиб олишини истамаганларидан, **«Хоҳлаган киши учун»**, деб қўйдилар».

Изоҳ: Айрим мазҳабларда шом намозига аzon айтилгач, фарз намозидан аввал нафл намоз ўқиш мустахаб, бироқ ҳанафий ва моликий мазҳабларида шом намозининг кечикиши эҳтимоли борлиги сабабли макруҳdir. Бу ҳақдаги далиллардан бири - Абу Довуднинг Товусдан ривоят қилган ҳадисида шундай дейилган: «Ибн Умар розияллоҳу анхудан шом намозидан олдинги икки ракат ҳақида сўралган эди, у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларда бирор кишининг буни ўқиётганини кўрмадим», деди.

Манба: hadis.islom.uz

